

БАТАЛЬОН ТАКТИК ГУРУҲИНИ ЖАНГОВАР ҚЎЛЛАШ ИМКОНИАТЛАРИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Науризбаев Жанаберген Утепбергенович - подполковник
ЎР ҚК Академияси 1-босқич тингловчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий қуроли можароларда батальон тактик гуруҳини жанговар қўллаш имкониятларини оширишнинг асосий йўналишлари ёритилган.

Калит сўзлар: жанговар имконият, қобилият, самарадорлик, батальон тактик гуруҳи, жанговар ҳаракатлар, рельеф, таъминот, жанговар тайёргарлик.

Аннотация: В данной статье рассматриваются основные направления повышения возможностей боевого применения батальонной тактической группы в современных вооруженных конфликтах.

Ключевое слово: боеспособность, возможности, эффективность, батальонная тактическая группа, боевые действия, местность, снабжение, боеготовность.

Abstract: This article covers the main areas of increasing the possibilities of combat application of the Battalion Tactical Group in modern armed conflicts.

Key words: combat capability, capability, efficiency, Battalion Tactical Group, combat action, terrain, supply, combat readiness..

Батальон тактик гуруҳи энг замонавий қурол ва ҳарбий техника билан қуролланган, аммо охириги йиллардаги бўлиб ўтаётган жанговар ҳаракатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, *бтгр* жанговар ҳаракатларда мохирона ва самарали ишлатилиши керак, яъни жанговар имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш керак. Шу сабабли, *бтгр* командирининг бириктирилган ва қўллаб-қувватловчи кўшинларни ҳисобга олган ҳолда ўз бўлинмасида мавжуд бўлган ўқ отиш кучининг жанговар имкониятларини, *бтгр* нинг манёвр амалга ошириши имкониятини, шунингдек, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги ва ахлоқий рухий ҳолатини доимий равишда ушлаб туриш жанговар ҳаракатлар олиб бориш ҳудудини билиш командирларнинг жанговар ҳаракатлар давомида тўғри қарор қабул қилиш жанговар ҳаракатларни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Жанговар самарадорлик кенг қамровли тушунча ҳисобланади ва *бтгр* жанговар самарадорлигини оширишда йўналишлар бўйича танлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жанговар самарадорлик - бу бўлинманинг олдида қўйилган вазифаларни бажаришда уларнинг тактик ҳаракатларни бажариши жанговар қобилиятининг маълум бир ҳолати. Бу *бтгр* нинг жанговар вазифанинг хал қилувчи элементи ва

ғалабага эришишнинг энг мухим шартидир. *Бтгр* нинг янги турдаги қурол-аслахалар билан қуролланиши, ўқитилиши, барча таъминот турлари билан тامينланиши, ахлоқий-рухий ҳолати, худуднинг ҳажми ва жойнинг тактик хусусиятларидан фойдаланган холда вазифаларни тўлиқ бажариш ҳисобланади [1].

Бтгр ни жанговар қўллаш самарадорлиги ошириш қўшинларнинг ўз олдига қўйган вазифалардан бири ҳисобланди. Қўшинларнинг қайси туркуми жанговар самарадорликни оширган бўлса душманга нисбатан устунликка эришиш ва ғалабани қўлга киритиш имконини беради. Шу сабабли *бтгр* жанговар қўллаш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш учун ўз олдига қўйидаги йўналишларни белгилади [2].

Жанговар имкониятлар-бўлинма ва қисмларнинг ўқув-жанговар вазифаларни бажаришга, уруш даврида - жанговар ҳаракатларни юритишни тайёрликнинг умумий сабиясини тавсифлаб берувчи миқдорий ва сифат кўрсаткичлари [3].

Жанговар имкониятлар шахсий таркиб, техника ва қўрол-аслаҳанинг штатдаги сони, ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлиги, ҳаёти ва жанг юритиши учун бўлган барча воситалар билан узлуксиз таъминланиши, уддабуронлик ва қатъий бошқарув билан белгиланади. Қуролли Кучлар ва қўшин турларининг жанговар имкониятларини белгиловчи ўзига хос талаб ва шартлари мавжуд [4].

қўшинларни техник жихозларини такомиллаштириш;

Ҳозирги кундаги *бтгр* ни бутлаш замонавий қурол-аслаҳалари ва жанговар техникалар билан бутланганлиги уларнинг жанговар имкониятлари ва уларни қўлаш самарадорлигини оширади.

қуролларнинг жанговар фазилатларини яхшилаш;

БТР-82 А зирхли техникалар билан бутланганлик қурол-аслаҳалари имконияти даражаси ошган замонавий миномётлар, мерганлар милтиғлари, ТҚБР тизимлари билан бутлаш уларнинг жанговар фазилатлари ва ўт очиш имкониятларини оширади.

ташкилий штат тузилмасини такомиллаштириш;

Бтгр ни штат тузилишига илғор авиацияни йўналтирувчилар, артиллерия ўтини тўғриловчилари киритилганлиги ва миномёт батареяси таркиби аероразведка гуруҳи таркибига УУА ҳисоби киритилиб ташкилий штат тузилмасини такомиллаштирилганлиги *бтгр* ни қўллаш самарадорлигини ошириши ва ўз олдига қўйилган вазифани бажаришда мустақил ўз олдига қўйилган вазифани бажаришга қодир бўлади.

бўлинмаларнинг рельефга мослашувчанлиги;

Бтгр ни ўтказиладиган машғулотлар ўқув майдонларини жиҳозлаш ва жойнинг географик хусусиятларидан фойдаланган ҳолда бўлинмаларни самарали қўллаш имконини беради.

жанговар ҳаракатлар ва операцияларни ташкил этиш ва ўтказиш санъатини ривожлантириш;

Бўлиб ўтаётган замонавий қуроли можоралардан келиб чиқан ҳолда *бтгр* ни тактик ҳаракатларини такомиллаштириш ва замонавий ҳаракатлар театридан келиб чиқан ҳолда мунтазам жанговар тайёргарлик машғулотлар давомида шахсий таркибни ўқитиш *бтгр* ни қўллаш самарадорлигини ошириб бориш имконини яратади [5].

жанговар ва ичкари таъминот турларини такомиллаштириш;

Замонавий қурол аслаҳалар ва УУА билан бутланганлик *бтгр* жанговар ҳаракатлар таъминоти имкониятларини оширади.

йўқотишларни ўз вақтида тўлдириш;

бтгр шахсий таркиби бутлаш мунтазам равишда олиб бориш жанговар навбатчилик ташкиллаштириш ва жанговар хизмат олиб бориш имкониятини яратади.

шахсий таркибни ўқитиш;

мутахассисларни тайёрлаш марказлари очилганлиги ва шахсий таркибни ўз касбини устаси бўлишини таъминлайди ва жанговар самарадорликни оширади.

жанговар тайёргарлик машғулотларини сифатли ташкиллаштириш;

Жанговар тайёргарлик машғулотлари 2 йилик дастурга ўтилганлиги ва замонавий ҳарбий можаролардан келиб чиққан ҳолда тактик ҳаракатларга дастур ва жанговар низомларга ўзгартириш киритилаётганлиги батальони қўллаш самарасини оширади.

командирлар, штаблар ва бўлинмаларни тайёрлаш.

Батальон командири ва унинг ўринбосарли малакалари мунтазам равишда оширилиб борилаётганлиги (малака ошириш факультетларида, махсус курсларда ўқитиш) ва командирлик тайёргарлик машғулотлари сифатли ташкиллаштирилаётганлиги *бтгр* ни қўллаш самарадорлигини оширади.

Бтгр лари тактик вазифаларни бажариш кам сонли куч билан кенг худудларни мустаҳкам ушлаб қолиш орқали амалга ошириш, қуроли низолар худудида алоҳида вазифалар бажариш орқали амалга оширилмоқда. *Бтгр* ни жанговар қобилиятини бевосита жанговар ҳаракатлар бошлангунга қадар бўлган жараёнда ва жанговар ҳаракатлар давомида душманга нисбатан шиддатли ҳаракатлар олиб бориш жангнинг муҳим ҳал қилувчи вақтларида тўғри қарорлар қабул қилиш душманнинг нозик нуқталарига зарбалар бериш ва ўт очиш устунлигига эришиш орқали амалга оширилади [6].

Бтгр юзага келган вазият ва худуднинг хар қандай шароитида (чўл, тоғ, шаҳар ва хоказо) жанговар вазифаларни бажариш учун мукамалликка эга бўлган бўлинма сифатида қўлланилмоқда. *Бтгр* ташкилий штат тузилишидан келиб чиққан ҳолда ўзининг куч ва воситалари билан мустақил тарзда жанговар ҳаракатларни олиб бормоқда [7].

Хозирги кундаги олиб борилаётган жанговар ҳаракатлар уларнинг кўлами ва янги турдаги жанговар техника ва қурол-аслаҳалар ва тактик ҳаракатларнинг ўзгарувчанлигидан келиб чиққан ҳолда, юқорида кўрсатилган йўналишларни доимий равишда такомиллаштириш орқали *бтгр* ни жанговар самарадорлигини ошириш орқали хозирги кундаги жангларда муваффақиятга эришиш мумкин.

Юқорида келтирилганлардан **хулоса қилиб** куйидагиларни келтириш мумкин, батальон тактик гуруҳларини жанговар имкониятини ошириш борасида турли кўринишдаги (синов тажриба ўқувлари, ҳамкорликда ўтказиладиган машқлар, манёврлар, моделлаштириш ва симуляция воситалардан фойдаланган ҳолда қўмондонлик-штаб ўқувларини ўтказиш орқали) тинимсиз изланишларни олиб бориш орқали эришиш мумкинлиги ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг Умумҳарбий низомлари // Тошкент. “Шарқ” – 2007 й// 494 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг батальон тактик гуруҳларни тузиш ва жанговар навбатчилик ўташ тўғрисидаги буйруқлари;
3. Батальонная (ротная) тактическая группа
http://10.11.10.15:/search?content=wikipedia_ru Мурожаат санаси: 26.05.2023 й.
4. Қуруқликдаги кўшинларнинг жанговар низоми II (батальон, взвод тактик гуруҳлари) Тошкент – 2019 й ЎР МВ босмаҳонаси. - 664 б.;
5. Боевая эффективность [электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/> – Мурожаат санаси: 26.05.2023 й.
6. Самаров Р.С., Ибрагимов М.М., Юсупов Р.С., Қодиров М.О. Замонавий уруш ва қуролли тўқнашувлар тенденцияси: Ҳарбий санъатнинг ривожланиш контекстида. // Т: 2021 й. с. 376.
7. Критерий боевой эффективности / Российская Энциклопедия // 2012. – № 8. – б. 3-7.